

2026 ЙИЛ: МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ



К.Х. Иноятов

Т.Ф.Д. профессор, доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20541537>

Аннотация. Мазкур мақолада "Фуқаролик жамияти" тизимида маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва фаолияти ёритиб берилган.

Аннотация. В данной статье раскрывается место и роль махалли в системе гражданского общества как органа самоуправления.

Abstract. This article reveals the place and role of the mahalla in the civil society system as a self-government body.

Калим сўзлар: маҳалла, "Фуқаролик жамияти", миллий анъаналар, урф-одатлар, ахлоқ, маънавият, оилавий тўйлар, байрамлар.

Ключевые слова: махалля, "Гражданское общество", национальные обычаи, семейные свадьбы, праздники, модернизация.

Keywords: mahalla, "Civil society", national customs, family weddings, holidays, modernisation.

Фуқаролик жамияти тизимида маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни "Маҳалла" арабча сўздан келиб чиқиб, "шаҳар ичидаги шаҳар" маъносини англатади. Тарихчи олим Наршахий "Бухоро тарихи" асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқнинг бошқаруви эканлигини ёзган эди. "Маҳалла" атамасига Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Кутадғу билиг" асарларида ҳам изоҳ берилган. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурий ҳудудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-аброр" (Яхши кишиларнинг хайратланиши) асарида қуйидаги банд учрайди: "Шаҳарлар отини маҳолот этиб, Бўлдичу юз шаҳар Ҳири от этиб." Маҳалланинг "шаҳар ичидаги шаҳарча" деган мазмуни юқоридаги ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик "шаҳарча"лар — маҳаллалардан ташкил топган экан. Ўзбекистонимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламнинг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрни бекиёсдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ўзини ўзи бошқариш органлари бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор маҳалла органлари бўлади". Қўшни мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида

синалган ва чуқур илдиз отган бўлиб, аҳолини бирлаштириб келмоқда. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва кадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлигини яққол кўриб турибмиз. Ўзбекистон фуқаролар ўзини ўзи бошқарувини амалга оширишда маҳалла ўрнак бўлади. Маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган, жамият тараққиётини юксалтириш учун ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатиш мақомига айланган. У ўзбек халқининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, миллий анъаналарини, урф-одатларини, ахлоқий-маънавий кадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирки, тили, этники, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи катта ва муқаддас оила ҳисобланади. Маҳалла фаоллари анъанавий оилавий тўйлар, байрамлар, мотам маросимларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда бош-қош бўлишади. Уларни дабдабасиз, исрофгарчиликсиз, ортиқча харажатларсиз, ихчам қилиб ўтказиш маҳалла оқсоқоли ва махсус мутасадди комиссияларга боғлиқ. Маҳаллада ўтаётган ҳар бир тантана ёки маросим учун маҳалла аҳлининг катта-ю кичик бирдай масъулдир. Маҳаллада келажак авлодимиз тарбия топади. Бу ерда ўсаётган ҳар бир йигит қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъулдир. Шунинг учун ҳам "Бир болага етти қўшни ота-она", "Бир бола тарбияси учун етти маҳалла ота-она" каби мақоллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат марказида бўлади. Маҳалладошларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги, уларни назорат қилиши — баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришнинг негизидир. Ҳозирги кунда ҳар бир фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси, унинг муовини, хотин-қизлар, диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб ва "Маҳалла посбони" каби лавозимларда кўплаб ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб қувватлашда Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг роли катта. Мазкур фонд 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини мустаҳкамлашда етакчи жамоат ташкилоти ҳисобланади. Янги таҳрирдаги қонунга кўра маҳалладаги асосий комиссиялар:- Яраштириш комиссияси;- Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия; - Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;- Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;- Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;- Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш комиссияси;- Экология, табиатни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш комиссияси;- Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида "Маҳалла"нинг аҳамияти ва роли бекиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2019.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонуни, 1999 й.
3. Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислохотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболлар. – Т.: "Академия", 2010 й.
4. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т.: "Маънавият", 2000 й.